

**АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ ТАФАККУРИНИ ЮҚСАЛТИРИШ –
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**
Хидиров Хошим Ибодуллаевич

Жиззах политехника институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, ф.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1068489>

Аннотация: Мақолада коррупциянинг кенг тарқалган шаклларидан бири бўлган сиёсий ва майший коррупция, аҳолининг барча қатлашлари орасидасиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантирмасдан туриб ушбу салбий иллатга қарши курашиб бўлмаслиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: БМТ, коррупция, сиёсий коррупция, майший коррупция, сиёсий тафаккур, ҳуқуқий тафаккур, фуқаролик жамияти ва ҳ.к.

**ПОВЫШЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ КАК
СРЕДСТВО БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ**

Аннотация: В статье говорится о политической и бытовой коррупции, которая является одной из наиболее распространенных форм коррупции, и бороться с этим негативным злом невозможно без формирования политico-правового мышления среди всех слоев населения.

Ключевые слова: ООН, коррупция, политическая коррупция, внутренняя коррупция, политическое мышление, юридическое мышление, гражданское общество и т.д.

**RAISING THE POLITICAL MINDSET OF THE POPULATION AS A MEANS OF
FIGHTING CORRUPTION**

Abstract: The article talks about political and domestic corruption, which is one of the most common forms of corruption, and it is impossible to fight against this negative evil without forming political and legal thinking among all strata of the population.

Keywords: UN, corruption, political corruption, domestic corruption, political thinking, legal thinking, civil society, etc.

КИРИШ

Сиёсий ва майший коррупцияга қарши курашда аҳолининг барча қатламларининг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини шакллантирмасдан, ривожлантирмасдан, амалда қўлламасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунда сиёсий тафаккур-бу жамият сиёсий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг умумий, ҳусусий, алоҳида томонларининг ўзаро алоқадорликларини акс эттирувчи, айни вақтда ўзгартирувчи ва бирон-бир мақсад сари йўналтирувчи ақлий билишнинг юқори шаклларидан бири, сиёсий коррупсиянинг эса сиёсий институтлар мутасаддиларининг давлат ҳокимиятини сунистъемол қилишдан иборат бўлган салбий сиёсий ҳодиса эканлиги аниқланиб, уни бартараф этишда аҳоли сиёсий тафаккурининг роли бекиёсдир. Сиёсий тафаккур қанчалик ривожланган бўлса, аҳолининг сиёсий тафаккури ҳам шунчалик кенг қамровли бўлади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари онги ва маданияти юксак даражада бўлсагина, улар ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришларга фаол муносабатда бўлишади, шахсий фикрларини билдирган ҳолда, жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиши мумкин бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хуқуқий тафаккурни юксалтириш, ўз навбатида, давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлилдан ўтказиш, давр талабларидан келиб чиқиб, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш, эскирган ва тараққиётта тўсиқ бўлаётган меъёларни бекор қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иктисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги кенг қамровли ислоҳотлар давридан ўтаётган экан, мамлакат аҳолиси хуқуқий онги ва хуқуқий тафаккуридаги ўзгаришларни ўрганиб бориш ва тегишли сосиологик тадқиқотларни ўтказиш мазкур соҳаларда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий тафаккурни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони хуқуқий онг ва хуқуқий тафаккурни юксалтириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Жамиятни модернизация қилиш ва янгиланиш жараёнлари том маънода инсон манфаатлари асосида амалга оширилаётганлиги, инсон ҳаёти, фикри, хоҳиш иродаси ва меҳнати, мулки давлат томонидан ҳимоя қилиниши қонунларда аниқ ифода этилиб кафолатланганлиги мамлакатда сиёсий тафаккур, хуқуқий жавобгарлик ва хуқуқий бурч давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганлигини билдиради.

Коррупция туфайли дунё иқтисодиёти 2,6 триллион долларни йўқотмоқда, бу дунёдаги мавжуд ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроғини ташкил этади. [1, Б.234-236]

Мамлакатлар хукуматлари коррупцияга қарши қурашиш учун турли хил давлат дастурларини қабул қилмоқдалар, аммо, унинг натижаси кутилганидек самарали бўлмаяпти. Ушбу жараёнда сиёсий тафаккур бевосита коррупцияга қарши қурашувчи воситалардан бири сифатида кўзга ташланади. Сиёсий тафаккур - жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири сифатида муҳим ўринга эга. Жамиятда сиёсий тафаккурнинг нечоғлик ривожланганлик даражасига қараб унинг сиёсий тизими қанчалик мукаммал ташкил қилинганлигига баҳо бериши мумкин.

Сиёсий тафаккур ўзининг мазкур жиҳатлари билан мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш, жамиятни демократиялаштириш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида, аҳолини маънавий жиҳатдан юксалтирища муҳим восита бўлиб хизмат қиласиди.

Сиёсий тафаккур тушунчаси у ёки бу тарзда қадимги мутафаккирлар томонидан хам маълум даражада талқин қилинган. Сиёсат оламининг буюк донишмандлари бўлмиш Конфутсий, Арасту, Афлотун, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Макиавелли ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. [2, Б.97-104]

Сиёсий тафаккурнинг ҳозирги вақтда илмий муомалада мавжуд бўлган қуйидаги талқинларни келтириб ўтиш мумкин:

-сиёсий тафаккур бу –ўзига асосий маърифатни, асосий онглийликни хамда ижтимоий сиёсий фаолиятини хам қамраб олган шахс ва ижтимоий бирликнинг маданиятидир;

-сиёсий тафаккур бу- ўз ичида ижтимоий сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятининг бир қисмидир;

-сиёсий тафаккур- конкрет ижтимоий бирлик ёки шахсга тегишли бўлган сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атвор стереотиплари йифиндисидир;

Асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қилади. Сиёсий тафаккур жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири сифатида политологияда муҳим ўринга эга. Жамиятда сиёсий тафаккурнинг нечоғлик ривожланганлик даражасига қараб унинг сиёсий тизими қанчалик мукаммал ташкил қилинганлигига баҳо бериши мумкин.

Азал-азалдан бир ҳақиқат борки, хуқуқини билган инсон – қудратли инсон. Зеро, бундай шахс ўз хуқуқи паймол бўлишига йўл қўймайди, адолатсизлик, қонунбузарликка қарши кураша олади, айни пайтда ўз зиммасидаги масъулият ва бурчни ҳам чуқур хис этади. Демак бундай шахсларнинг кўплиги ҳар қандай жамиятнинг бойлигидир.

Биз бугун шиддат ила кечаётган бир даврда яшамоқдамиз. Улкан ўзгаришлар, маҳобатли ўзгаришлар бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Бу жараёнда жамият ўзгаришлари баъзан инсон онг-тафаккурини ҳам ортда қолдириб кетаётгандай террористик ҳаракатлар, уюшган жиноятчилик ва коррупция шиддат ила кучайиб бораётгандай бир ҳолатларга дуч келмоқдамиз. Коррупция давлатчиликнинг демократик тизимиға хавф солган бир пайтда биз инсонларда хуқуқий онг ва хуқуқий тафаккурни ва қонун устуворлигини кенг кўламда кучайтироғимиз даркор. Ўзбекистон Республикаси ҳалқи истиқлоннинг дастлабки кунлариданоқ келажакда, мамлакатда демократик фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва Республиканинг сиёсати ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилди. “Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг хуқуқи ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”. [3, Б.173]

Республикада қонуннинг устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти қуриш учун замин тайёрлаш, авволо, ўз хуқуқ, мажбурият ва эркинликларини англай ва уларга оғишмай амал қилишга қодир баркамол авлодни тарбиялаб вояга этказишини талаб этади. Шу маънода таълим, айникса хуқуқий таълим коррупсияни илдизини қирқишида муҳим қалқон бўлиб ҳизмат қилиши шарт. Хуқуқ ва хуқуқий тафаккур бир-бiri билан боғлиқ тушунчалардир. Хуқуқий тафаккур бу жамият кўзгусидир. Агар жамиятда ҳар бир фуқаро хуқуқка, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, хуқуқ ва қонунчиликнинг устуворлигини тан олса, давлатда тартиб ўрнатилади. [4, Б.121-124]

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аҳолининг сиёсий-хуқуқий тафаккурини ривожлантириш орқали “сиёсий ва майший коррупсия”га қарши курашишнинг субъектив характерга эга бўлган муҳим омилларидан бири сифатида, фуқароларнинг сиёсий жихатдан лаёқатлилик даражасини ифода этиб, жамиятда сиёсий ва давлат институтларининг шаклланиши, фаолият кўрсатишига, шунингдек, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниши жараёнига ҳал қилувчи, таъсир ўтказувчи субъектив омил сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Raximova, D., & Ibodullaevich, K. K. Obedience to the Law is High Culture, Spirituality, IT is a Sign of Enlightenment. JournalNX, 234-236.
2. Хидиров, X., & Обилкошимов, М. (2021). Kambag ‘allik va qashshoqlikka qarshi kurashish: oldini olish yo ‘llari, usullari va mazmun-mohiyati. Общество и инновации, 2(11/S), 97-104.
3. Каримов И.. "Ўзбекистон XXI- аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва тароққиёт кафолатлари". Т. Ўзбекистон. 1997 й. 173 бет.
4. Khidirov, K. I., & Gofurova, S. S. (2021). The United Kingdom has a special textbook for detecting facts of corruption. Scientific progress, 2(1), 121-124.